

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси реестрига 2014 йил 28 октябрда № 004776-08 рақами билан рўйхатга олинган “Автотеххизмат” Тошкент Худудий акциядорлар жамиятининг ташкилий – ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилиши муносабати билан ишлаб чиқилган.

“AVTOTEXXIZMAT” масъулияти чекланган жамияти (бундан кейинги матнларда “жамият” деб юритилади) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, мазкур Низом ҳамда жамият таъсисчиларининг 2017 йил 16 январдаги таъсис шартномасига асосан олиб боради.

“AVTOTEXXIZMAT” масъулияти чекланган жамияти “Автотеххизмат” Тошкент Худудий акциядорлар жамиятининг тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланиб, унинг барча моддий ва номоддий активларига эгаллик қилади ҳамда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1.2. Жамият иштирокчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- «Avtosanoat Invest» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш олиб борувчи Бош директор Тохтабаев Р.,
- «O’zavtotexxizmat» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш олиб борувчи Бошқарув Раиси Сидиқов Б.Б.
- ва фуқаролар:

№	Фамилияси, Иси, Шарифи	паспорт маълумотлари		ким томондан ва қачон берилган	
		AA	9107883	26.03.2015	Тошкент шаҳар ИИБ
1	Asilov Yusupdjan Ismatovich	AA	9107883	26.03.2015	Тошкент шаҳар ИИБ
2	Azimova Inobat Maxkamovna	AA	2993054	23.09.2013	Тошкент шаҳар Olmazor ТИИБ
3	Djurayev Nabdijan Naimovich	AB	4535823	25.07.2016	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ
4	Gafurova Nozima Shuxratovna	AA	1619501	27.05.2013	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ
5	Gaybullayev Azizbek Asadovich	AA	5867660	23.06.2014	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ
6	Karimov Ravshan Ikramdjanovich	AA	0672655	15.01.2013	Тошкент шаҳар Mirzo-Ulugbek ТИИБ
7	Kayumov Gafur Adilovich	AA	3543654	09.12.2013	Тошкент шаҳар Chilonzor ТИИБ
8	Manukov Artash	ISR	22483912	12.11.2015	РАМЛА
9	Mirzaxidov Miradil Baxramovich	AA	1786992	09.06.2013	Тошкент шаҳар Chilonzor ТИИБ
10	Nazirov Kamilxan Dadaxanovich	AA	3723979	23.12.2013	Тошкент шаҳар Uchtepa ТИИБ
11	Nurmatov Raxmatjan Raximdjanovich	AA	1245344	15.04.2013	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ
12	Raximjanova Olga Borisovna	AA	3004157	21.09.2013	Тошкент шаҳар Yakkasaroy ТИИБ
13	Sagatov Mirxaydar Xabibovich	AA	1631986	28.05.2013	Тошкент шаҳар ИИБ
14	Sagdullayev Kamil Alimovich	AA	3543153	12.12.2013	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ
15	Sarkisov Vladimir Grigorevich	AA	1617983	28.05.2013	Тошкент шаҳар Chilonzor ТИИБ
16	SatarxanovVosit Abduganiyevich	AA	0800342	06.02.2013	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ
17	Shamsiyev Muzaffar Mukimdjanovich	AA	3550360	09.12.2013	Тошкент шаҳар Sirq’ali ТИИБ
18	Sidiqov Botirxo’ja Buvaxo’jaye’vich	AA	3390755	21.11.2013	Тошкент шаҳар ИИБ
19	Xakimov Abdulaziz Kadirovich	AA	6833109	02.09.2014	Тошкент шаҳар Shayhantoxur ТИИБ

20	Yuldashbekov Ulugbek Xudayarovich	AA	1234577	25.06.2013	Toshkent shahar IIB
21	Yusupova Nargiza Temurovna	AA	0388700	14.11.2012	Toshkent shahar Shayhantoxur TIB
22	Yusuvaliyev Baymurat Xadirovich	AA	3513128	07.12.2013	Toshkent shahar Yunusobod TIB
23	Джуроева Муяссар Алимовна	AA	2245120	22.07.2013	Toshkent shahar Shayhantoxur TIB
24	Инагамова Мастура Усмановна	AA	1934561	21.06.2013	Toshkent shahar PIBB
25	Ишанходжаев Александр Алиходжаевич	CA	0124542	26.05.1995	Тошкент шаҳар Юнусабод ТИИБ
26	Каримов Алимджан Абидович	AA	2931601	12.09.2013	Toshkent shahar Mirobod TIB
27	Мансуров Акмалжон Абдурахманович	AA	1012459	13.03.2013	Toshkent shahar Yakkasaroy TIB
28	Мирахмедов Мирсоат Махсудович	CA	2073843	06.12.2004	Toshkent shahar Mirobod TIB
29	Рахимов Рафаэль Миргалиевич	AA	1312646	25.04.2013	Toshkent shahar Chilonzor TIB
30	Садыкова Чорасхон Алимжановна	AA	0905229	21.02.2013	Toshkent shahar Yunusobod TIB
31	Хакимов Мавлян Маннапович	AA	3557140	09.12.2013	Toshkent shahar Chilonzor TIB
32	Рахимова Лола Джабаровна		4512773862	09.10.2012	УФМС России по г. Москве
33	Кадырова Азиза Шухратовна	AA	0202467	13.08.2012	Toshkent shahar Mirzo-Ulugbek TIB
34	Tuyakov Akromjon Sultanmradoovich	AA	3246832	01.11.2013	Toshkent shahar Uchtepa TIB
35	Fayzutdinov Fanil Maganiyevich	AA	5895949	24.06.2014	Toshkent shahar Chilonzor TIB
36	Sadikov Zoxidjon Abidovich	AA	9733348	30.05.2015	Toshkent shahar Uchtepa TIB

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: «**АВТОТЕХХИЗМАТ**» mas'uliyati cheklangan jamiyati;

Рус тилида: **Общество с ограниченной ответственностью «АВТОТЕХХИЗМАТ»;**

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: «**АВТОТЕХХИЗМАТ**» МСНҲ

Рус тилида: **ООО «АВТОТЕХХИЗМАТ».**

1.4. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100161, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 118 уй.

1.5. Жамият чекланмаган муддатга ташкил қилинади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жамият юридик шахс ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият юридик шахс мақомига эга бўлади.

2.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларига асосан олиб боради.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги доирасида жавобгар бўлади. Жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилар жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.4. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган думалоқ муҳрига, штампларига, белгиланган намунадаги бланкаларига, шунингдек ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир.

2.5. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

III. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

IV. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад иштирокчилар манфаатлари учун фойда олиш.

Жамият фаолиятининг предметиға Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мамлакатнинг ўзида чиқарилган енгил автомобилларни сотишда воситачилик хизматларини кўрсатиш, микроавтобусларнинг, фургонларнинг, юк ташиш автомобилларининг, шунингдек, уларнинг деталлари ва бутловчи қисмлари маркетинги, савдоси, сотиш олди ва сотишдан кейинги техник хизматни кўрсатиш киради. Шу жумладан:

- Автотранспорт воситаларини сотиш олди тайёргарлиги ва уларнинг қафолат муддати давридаги таъмирлаш хизмати кўрсатиш;
- Автотранспорт воситаларига техник хизматни кўрсатиш ва таъмирлаш, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомобилларга газ баллон ускуналарини ўрнатиш, уни таъмирлаш;
- Автомобил сервисининг янги турларини барпо этиш ва жорий этиш, уларнинг рақобатбардошлигини кўтариш;
- Янги технологияларни ишлаб чиқиш, илмий тадбиқ қилиш фаолияти;
- Воситачилик фаолияти, жумладан савдо – сотиқ, савдо воситачилик ва лизинг фаолияти;
- Улгуржи савдо (ёрдамчи қисмилар, узеллар, автомобиллар учун агрегатлар, мойлаш мойи, тормоз ва совутиш суюқликлари, авто бутловчи қисмлар, техник хужжатлар, қурилиши материаллари, ҳалқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик моллари ва консерваланган маҳсулотлар);
- Чакана савдо (ёрдамчи қисмилар, узеллар, автомобиллар учун агрегатлар, мойлаш мойи, тормоз ва совутиш суюқликлари, авто бутловчи қисмлар, техник хужжатлар, қурилиши материаллари, ҳалқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик моллари ва консерваланган маҳсулотлар);
- Дилерлик фаолияти (автомобилаларнинг савдосида воситачилик хизматлари ва х.к.);
- Кўргазма, ярмаркаларни ва ким ошди савдосини ташкил қилиш;
- Қурилиш, таъмирлаш, бадий безаклаш ва фото ишлар;
- Автотранспорт хизмати;
- Ортиш – тушириш ва бошқа транспорт – экспедицион хизматлари таъминлаш;
- Кўчмас мулк билан операцияларни амалга ошириш;
- Ҳалқ истеъмоли моллари ва ишлаб чиқариш ва техник мақсаддаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- Ташқи иқтисодий фаолият;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари

4.2. Амалга оширилиши учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

V. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Жамият иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- қонун ҳужжатларида ва жамият таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- жамият фаолияти натижасида шаклланган фойдани тақсимлашда ва унинг Устав фондидаги ўз улушига монанд қисмини олишда иштирок этиш
- жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини (ёхуд унинг бир қисмини) қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг уставида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига ёхуд учинчи шахсларга сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
- жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамият иштирокчилари таркибидан чиқиш;
- жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

Жами улушлари жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар;

Жамият иштирокчилари жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.2. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари:

- қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга амал қилишлари;
 - қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари;
 - жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт
- Жамият иштирокчиларига қонун ҳужжатларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

6.1. Жамият мустақил равишда ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланади.

6.2. Жамиятнинг мол-мулки:

- иштирокчиларнинг улушларидан;
- жамият фаолияти натижасида олинган фойдадан;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан шакллантирилади.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун иштирокчилар **598 169 000** сўм миқдорида устав фонди шакллантиришади.

7.2. Иштирокчиларнинг устав фондидаги улушлари қуйидагича:

№	Ф.И.Ш. ёки юридик шахснинг номи	сум	%
1	«Avtosanoat Invest» МЧЖ	192 357 000,0	32,1576
2	«O'zavtotexxizmat» МЧЖ	11 693 000,0	1,9548
3	Asilov Yusupdjan Ismatovich	6 600 000,0	1,1034
4	Azimova Inobat Maxkamovna	55 000 000,0	9,1947
5	Djurayev Nabidjan Naimovich	52 954 000,0	8,8527

6	Gafurova Nozima Shuxratovna	55 000 000,0	9,1947
7	Gaybullayev Azizbek Asadovich	1 320 000,0	0,2207
8	Karimov Ravshan Ikramdjanovich	2 134 000,0	0,3567
9	Kayumov Gafur Adilovich	1 540 000,0	0,2574
10	Manukov Artash	1 100 000,0	0,1839
11	Mirzaxidov Miradil Baxramovich	10 604 000,0	1,7727
12	Nazirov Kamilxan Dadaxanovich	1 639 000,0	0,2740
13	Nurmatov Raxmatjan Raximdjanovich	31 845 000,0	5,3237
14	Raximjanova Olga Borisovna	1 320 000,0	0,2207
15	Sagatov Mirxaydar Xabibovich	9 856 000,0	1,6477
16	Sagdullayev Kamil Alimovich	2 200 000,0	0,3678
17	Sarkisov Vladimir Grigorevich	2 420 000,0	0,4046
18	Satarxanov Vosit Abduganiyevich	1 254 000,0	0,2096
19	Shamsiyev Muzaffar Mukimdjanovich	1 056 000,0	0,1765
20	Sidiqov Botirxo'ja Buvaxo'jayevich	770 000,0	0,1287
21	Xakimov Abdulaziz Kadirovich	4 950 000,0	0,8275
22	Yuldashbekov Ulugbek Xudayarovich	1 518 000,0	0,2538
23	Yusupova Nargiza Temurovna	1 320 000,0	0,2207
24	Yusuvaliyev Baymurat Xadirovich	3 718 000,0	0,6216
25	Джураева Муяссар Алимовна	40 700 000,0	6,8041
26	Инагамова Мастура Усмановна	77 990 000,0	13,0381
27	Ишанходжаев Александр Алиходжаевич	440 000,0	0,0736
28	Каримов Алимджан Абидович	220 000,0	0,0368
29	Мансуров Акмалжон Абдрахманович	8 800 000,0	1,4712
30	Мирахмедов Мирсоат Махсудович	5 104 000,0	0,8533
31	Рахимов Рафаэль Миргалиевич	1 870 000,0	0,3126
32	Садькова Чорасхон Алимжановна	1 100 000,0	0,1839
33	Хакимов Мавлян Маннапович	2 365 000,0	0,3954
34	Рахимова Лола Джабаровна	3 300 000,0	0,5517
35	Кадырова Азиза Шухратовна	1 100 000,0	0,1839
36	Tuyakov Akromjon Sultanmradoevich	880 000,0	0,1471
37	Fayzutdinov Fanil Maganiyevich	77 000,0	0,0129
38	Sadikov Zoxidjon Abidovich	55 000,0	0,0092

7.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир йил мобайнида иштирокчиларнинг ҳар бири устав фондидаги улушини тўлиқ киритади.

7.4. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондида қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

7.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига асосан устав фондини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин.

7.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади. Жамият устав фондининг кўпайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва (ёки) жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига, агар бу жамиятнинг устави

билан тақиқланган бўлмаса, жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар ҳиссалари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин.

7.7. Жамиятнинг устав фондини камайтириш иштирокчиларга тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини камайтириш ва унинг янги миқдори тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида жамиятнинг унга маълум бўлган барча кредиторларини хабардор қилиши, шунингдек қабул қилинган қарор тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумот эълон қилиши шарт.

7.8. Устав фондини ўзгартириш тўғрисидаги қарор учинчи шахслар учун устав ва таъсис шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина кучга киради.

VIII. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ САФИДАН ЧИҚИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

8.1. Жамиятнинг ҳар қандай иштирокчиси жамият иштирокчилари сафидан чиқиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда иштирокчи устав фондидаги ўз улушини қолган иштирокчиларга ёхуд уларнинг розилиги бўйича учинчи шахсларга сотиш ёки уларнинг фойдасига воз кечиш ҳуқуқига эга.

8.2. Иштирокчи иштирокчилар сафидан чиқишида унга ўзи томонидан устав фондига киритилган улушнинг ҳақиқий қиймати натура ёки ҳақиқий қийматига тенг бўлган пул кўринишида қайтарилади.

8.3. Жамият иштирокчиси ўзгарганда жамиятнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим.

8.4. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

IX. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИНИНГ (УЛУШИ БИР ҚИСМИНИНГ) ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

9.1. Жамият иштирокчиларидан ҳар бири жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёки улушининг қисмини жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва учинчи шахсларга сотишга ёки бошқача шаклда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақли.

9.2. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланган давргача бўлган муддатда тўланган қисми бўйичагина бегоналаштирилиши мумкин.

9.3. Жамият устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак.

X. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

10.1. Жамият куйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар;
- жамият муассислари йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси (баённомалар);
- жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

- жамият иштирокчилари умумий йиғилишларининг, жамият кузатув кенгаши, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи ва жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;

- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

10.2. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар жамиятнинг ижро этувчи органи жойлашган жойда сақланади.

10.3. Агарда амалдаги қонун ҳужжатлари билан бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса, жамият мазкур уставнинг 10.1-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни доимий сақлайди.

10.4. Жамият ҳар қандай иштирокчининг талаби билан унга ахборот, шунингдек таъсис ҳужжатларини унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тақдим қилиши ёки нусха бериши шарт.

XI. БУХГАЛТЕРИЯ ВА ҲИСОБОТ

11.1. Жамият ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ўз маҳсулоти ёки хизматларига нархларни бозор конъюктурасидан келиб чиқиб белгилайди.

11.2. Жамият мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини, статистика ва молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

11.3. Жамият ўзининг ташкилий тузилмасини, штат жадвалини ва меҳнатга ҳақ тўлашни мустақил равишда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилади.

11.4. Жамият фаолиятига оид ҳисоботларни қонунда белгиланган тартибда давлат органларига тақдим қилади.

XII. ДАРОМАДНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗИЁНЛАРНИ ҚОПЛАШ

12.1. Жамият барча солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин унинг ҳисобида қолган маблағлар жамиятнинг фойдасини ташкил этади.

12.2. Жамият устав фондининг 15% миқдоридан захира фонди шакллантиради. Жамиятнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш ва қонунда назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг қисмини) сотиб олиш учун мўлжалланган.

12.3. Захира фонди жамият соф фойдасидан ҳар йили ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан, то у устав фондининг ўн беш фоиз миқдорини ташкил этгунга қадар шакллантирилади. Йиллик ажратмалар миқдори жамият Низомида кўзда тутилган миқдорларда бўлиши, бироқ захира фонди Низомда белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

XIII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

13.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар белгиланади:

— иштирокчиларнинг умумий йиғилиши — жамиятнинг олий бошқарув органи;

— жамиятнинг Кузатув Кенгаши;

— жамиятнинг коллегиял ижро органи.

13.2. Жамиятда Кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссияси белгиланган тартибда ташкил этилиши мумкин.

XIV. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

14.1. Жамиятнинг олий бошқарув органи бўлиб жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ҳисобланади.

14.2. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

14.3. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари доирасига қуйидагилар қиради:

- а) жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- б) жамият устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- в) таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;
- г) жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- д) жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- е) агар жамиятнинг уставида кузатув кенгашини тузиш назарда тутилган бўлса, уни сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- ж) жамиятнинг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- з) жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- и) жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- к) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- л) бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- м) жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- н) тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- о) қиймати жамият мол-мулки қийматининг эллик фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг а), б), в), з) ва м) кичик бандларида кўрсатилган масалалар юзасидан қарорлари жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қолган қарорлари, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

14.4. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, Ўзбекистон Республикасининг “масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонунида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этиши учун, шунингдек жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

14.5. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши йилига камида бир марта ўтказилади.

14.6. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши Кузатув Кенгаши томонидан чақирилади.

14.7. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилиши керак.

XV. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши коллегиял ижро этувчи орган томонидан чақирилади.

15.2. Коллегиял ижро этувчи орган умумий йиғилиш ўтказишдан камида ўттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг рўйхатида кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат орқали хабардор қилади.

Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

15.3. Жамиятнинг исталган иштирокчиси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш, шу жумладан жамиятнинг Кузатув Кенгашини, коллегиял ижро органининг Бошқарув Раисини ва тафтиш комиссиясини, шунингдек ушбу органлар аъзоларини уларнинг миқдор бирликлари доирасида сайлаш тўғрисида уни ўтказишдан камида ўн беш кун олдин таклифлар киритишга ҳақлидир. Қўшимча масалалар, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибига киритилади.

15.4. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган қўшимча саволлар таърифига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

Агар жамият иштирокчиларининг таклифига биноан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартишлар киритиладиган бўлса, жамият коллегиял ижро этувчи органи умумий йиғилиш ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин ушбу Низомнинг 15.2 бандида кўрсатилган усулда кун тартибига киритилган ўзгартишлар ҳақида жамиятнинг барча иштирокчиларини хабардор қилишлари шарт.

15.5 Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида жамият иштирокчиларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот ва материаллар жумласига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг йиллик ҳисоботи;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари бўйича жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаси;
- жамиятнинг ижро этувчи органларига ва жамиятнинг тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг кузатув кенгашига номзод (номзодлар) тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият Низомига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Низоми лойиҳаси;
- жамият Низомида назарда тутилган бошқа ахборот (материаллар).

15.6. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи жамият иштирокчиларига ахборот ва материалларни жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби ўзгартирилган тақдирда, тегишли ахборот ва материаллар ана шундай ўзгартиш тўғрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади.

Кўрсатилган ахборот ва материаллар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин ўттиз кун мобайнида жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун жамиятнинг барча иштирокчиларига тақдим этилиши керак.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини чақирининг ушбу Низомнинг XV бўлими моддаларида белгиланган тартиби бузилган тақдирда, агар бундай умумий йиғилишда жамиятнинг барча иштирокчилари иштирок этаётган бўлса, у ваколатли деб эътироф этилади.

XVI. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

16.1. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатни (ишончномани) кўрсатишлари лозим

16.2. Жамиятнинг иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш ва қарорларни қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

16.3 Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

16.4. Жамиятнинг рўйхатдан ўтмаган иштирокчиси (жамият иштирокчисининг вакили) овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

16.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган вақтда ёки, агар жамиятнинг барча иштирокчилари рўйхатдан ўтиб бўлган бўлса, олдинроқ очилади.

16.6. Агар рўйхатдан ўтказиш тугалланган вақтда жамият иштирокчиларининг (ёки уларнинг вакилларининг) етмиш беш фоиздан ортиғи рўйхатдан ўтган бўлса, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) деб ҳисобланади.

Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар жамият иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- жамият устав фонди миқдорини ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- жамиятни қайта ташкил этиш ёки уни тугатишга оид қарорлар;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонунида белгиланган масалалар бўйича қарорлар.

16.7. Жамият иштирокчиларнинг умумий йиғилишидаги қарорлари очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

16.8. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисидаги” Қонунида кўрсатилган масалалар (Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган масалалар) бўйича қарори йиғилишни ўтказмай (кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун жамият иштирокчилари биргаликда ҳозир бўлмай) сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

16.9. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси юритилишини ташкил этади.

XVII. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

17.1. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан қуйидаги ҳолларда:

- жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг жами камида ўндан бирига эга бўлган жамият иштирокчиларининг;
- жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг;
- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабига биноан чақирилиши мумкин.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан чақирилиши мумкин.

17.2. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинган санадан эътиборан уч кун ичида мазкур талабни жамият Кузатув Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиши шарт. Кузатув кенгаши уч кун ичида мазкур талабни кўриб чиқиши ва жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида ёки ушбу Низомнинг 17.3 бандида кўрсатилган асослар бўйича уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалаларнинг бири ёки бир нечаси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига кирмаса ёки қонун ҳужжатларининг талабларига мос бўлмаса, мазкур масалалар кун тартибига киритилмайди.

17.3. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан фақат қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

- агар жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни тақдим этишнинг белгиланган тартибига риоя этилган бўлмаса;
- агар жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалардан бирортаси ҳам унинг ваколатлари жумласига кирмаса.

17.4. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар таърифига ўзгартишлар киритишга, шунингдек жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишнинг таклиф қилинган шаклини ўзгартиришга ҳақли эмас.

17.5. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай умумий йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан қирқ беш кундан кечиктирмай ўтказилиши шарт.

Агар белгиланган муддат ичида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи мазкур органлар ёки шахсларга жамият иштирокчиларининг манзиллари кўрсатилган рўйхатни тақдим этиши шарт. Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш харажатлари жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

XVIII. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

18.1. Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- иштирокчилар умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой;
- йиғилишда қатнашаётган иштирок этувчилар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби.

18.2. Иштирокчилар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш яқунлари, йиғилишда қабул қилинган қарорлар акс эттирилган бўлиши шарт.

18.3. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси йиғилиш ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирилмай умумий йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

XIX. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

19.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- жамият коллегиял ижро этувчи органи аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш;
- жамият мулкнинг бозор қийматини белгилаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес – режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келаси йил учун мўлжалланган бизнес – режаси Кузатув Кенгаши йиғилиши томонидан жорий йилнинг 1 декабрига қадар имзоланиши лозим;
- Кузатув Кенгашига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жамиятнинг коллегиял ижро органи фаолиятига оид исталган ҳужжатлардан эркин фойдаланиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан, шунингдек аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг заҳира фондидан фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш;
- жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил қилиш ҳамда унинг ходимларини тайинлаш;
- ички аудит хизмати чорак ҳисоботларини тинглаш ва уларни тасдиқлаш;

- қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоиздан эллик фоизгача бўлган миқдорни ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш.

19.2 Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ҳақ тўланиши ва (ёки) уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Ҳақлар ва товонларнинг миқдорлари жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

19.3. Жамият кузатув кенгаши ваколатлари доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун жамиятнинг коллегиял ижро органига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

XX. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

20.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан 5 кишилиқ таркибда бир йиллик муддатга сайланадилар.

20.2. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

20.3. Жамиятнинг коллегиял ижро органи аъзолари Кузатув Кенгаши аъзолигига сайланишлари мумкин эмас.

20.4. Жамиятда меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатувчи шахсларнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига сайланишларига йўл қўйилмайди.

XXI. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

21.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

21.2. Жамият Кузатув Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув Кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, иштирокчиларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

21.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

XXII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

22.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, Жамият ижроия органининг талабига биноан чақирилади.

22.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш пайтида Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 80% иштирок этган тақдирда мажлис ваколатли ҳисобланади.

22.3. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

22.4. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

22.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг уч кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

22.6. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган барча Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади.

XXIII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОЧИ ОРГАНИ

23.1. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ва жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органини таркиби 3 дан 5 кишигача иборат бўлиб, унга этиб фақат жисмоний шахслар сайланади, у Жамиятнинг иштирокчиси бўлмаслиги мумкин.

23.2. Жамиятнинг Бошқарув Раиси эгаллаб турган лавозимидан иштирокчиларнинг умумий мажлиси қарорига кўра озод қилинади.

23.3. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг аъзолари (бошқарув раисидан ташқари) жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади.

Жамиятнинг ижро этувчи органи устави билан ўз ваколатлари жумласига киритилган ваколатларни амалга оширади.

23.4. Бошқарув раиси Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади.

23.5. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг фаолияти ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби жамиятнинг ҳужжатлари билан белгиланади.

23.6. Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг аъзоси овоз бериш ҳуқуқини ўзга шахсларга, шу жумладан жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органининг бошқа аъзоларига беришига йўл қўйилмайди.

XXIV. БОШҚАРУВ РАИСИ

24.1. Коллегиял ижро этувчи органининг раҳбари - бошқарув раиси Жамият иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йиллик муддатга сайланади. Жамият ва бошқарув раиси ўртасидаги шартнома Жамият номидан сайланган умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс томонидан ёки Жамият Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Коллегиял ижро этувчи органининг Бошқарув раисининг ваколатлари қуйидагилар:

- жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади ҳодимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш;

- жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар бериш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тайёрлаш ишларини ташкиллаштириш ҳамда уни жамиятнинг Кузатув Кенгашига тақдим қилиш;

- қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизигача бўлган миқдорни ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

- жамият иштирокчиларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

- жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

XXV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН НАЗОРАТ

25.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан уч кишилик таркибдаги тафтиш комиссияси 1 (бир) йиллик муддатга сайланади.

25.2. Жамиятнинг иштирокчиси бўлмаган шахс ҳам Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

25.3. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси) бўлишлари мумкин эмас.

25.4. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг ташаббусига, иштирокчилар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг жами камида ўндан бир қисмига эга

бўлган жамият иштирокчиларининг талабига биноан бир йиллик ёки бошқа давр учун фаолият яқунларига кўра амалга оширилади.

25.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Жамиятнинг Бошқарув раиси, шунингдек Жамиятнинг ходимлари оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунтиришлар беришлари шарт.

25.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини ва бухгалтерия балансларини улар Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқлангунига қадар мажбурий тартибда текширишдан ўтказди.

25.7. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) иш тартиби Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Жамият тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

XXVI. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА УЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

26.1. Жамият бухгалтерия ҳисобини олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда статистик ҳисоботларни тақдим этади.

26.2. Бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилинишини, унинг ҳолати ва ҳаққонийлиги, йиллик ҳисоботини ўз вақтида тақдим этилишини ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли органларга ва кредиторларга ўз вақтида тақдим қилиш ижро органи жавобгарлигига юклатилади.

26.3. Йиллик ҳисобот Жамият иштирокчиларнинг умумий йиғилиши билан тасдиқланиши лозим.

XXVII. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

27.1. Жамият, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қуйидаги ҳужжатларни Жамият фаолияти муддати даври мобайнида сақлаши шарт:

- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;

- Жамият муассислари йиғилишининг Жамиятни ташкил этиш ва Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;

- Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

- Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

- Жамият иштирокчилари умумий йиғилишларининг, Кузатув кенгашининг ва Жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;

- Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

27.2. Жамият юқорида кўрсатилган ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи жойлашган ерда сақлайди.

XXVIII. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

28.1. Жамият ўз филиалларини ташкил қилиши ва ваколатхоналарини иштирокчиларининг умумий йиғилиш қарорига асосан очиши мумкин. Улар Жамият мулки билан таъминланадилар ва Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаган низом асосида иш юритади.

28.2. Филиал ёки ваколатхона раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва у Жамият берган ишончнома асосида иш олиб боради. Филиал ва ваколатхона фаолияти учун жавобгарликни Жамият олиб боради.

28.3. Жамият Низомига унинг филиаллари ва ваколатхоналари билан боғлиқ бўлган ўзгартиришлар киритса юридик шахсларни рўйхатга олувчи давлат органига тегишли тартибда ахборот бериши лозим.

XXIX. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШДАН МАНФААТДОРЛИГИ

29.1. Тузилишидан жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи аъзоси манфаатдор бўлган ёки ўз аффилланган шахслари билан биргаликда Жамият Иштирокчилари умумий овозлари сонининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган Жамият Иштирокчисининг манфаатдорлиги бўлган битимлар Жамият Иштирокчилари умумий йиғилишининг розилигисиз Жамият томонидан тузилиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилланган шахслари қуйидаги ҳолларда жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор шахслар деб эътироф этилади:

- битим тарафлари ҳисоблансалар ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ифодаласалар;

- битим тарафи ҳисобланувчи ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахс акцияларининг (пайлари, улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлсалар (ҳар бири алоҳида-алоҳида ёки жамланган ҳолда);

- битим тарафи ҳисобланувчи ёки жамият билан муносабатларда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи юридик шахснинг бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган бўлсалар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар:

- улар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) аффилланган шахслари акцияларининг (пайлар улушларининг) йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахслар тўғрисидаги;

- улар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ва (ёки) уларнинг аффилланган шахслари бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисидаги;

- улар тузилишидан манфаатдор деб эътироф этилиши мумкин бўлган тузиладиган ёки тахмин қилинадиган битимлар тўғрисидаги ахборотни Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг эътиборига етказишлари керак.

29.2. Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни Жамият тузиши тўғрисидаги қарор Жамият Иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг унинг тузилишидан манфаатдор бўлмаган иштирокчилари умумий овозларининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

29.3. Агар битим Жамият билан бошқа тараф ўртасида, битим тузилишидан манфаатдор шахс ушбу Низомнинг 29.1 бандидаги биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ шундай шахс деб эътироф этиладиган пайтга қадар бўлган, одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузилган бўлса, манфаатдорлик бўлган битимни тузиш ушбу Низомнинг 29.2 моддасида назарда тутилган Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорини талаб қилмайди (Жамият иштирокчиларининг кейинги умумий йиғилиши ўтказиладиган санага қадар қарор талаб қилинмайди).

29.4. Тузилишидан манфаатдорлик бўлган ва ушбу Низомнинг 29.1 – 29.3 бандларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган битимлар Жамиятнинг ёки унинг Иштирокчисининг даъвоси асосида суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

29.5. Манфаатдор шахс Жамият олдида ўзи томонидан Жамиятга етказилган зарар миқдоридида жавобгар бўлади. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар бўлади.

XXX. ЙИРИК БИТИМЛАР

30.1. Йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охирги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизи ва ундан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади. Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

30.2. Йирик битим натижасида Жамиятнинг тасарруфидан чиқариладиган мол-мулкнинг қиймати унинг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида, Жамият оладиган мол-мулкнинг қиймати эса – таклиф қилинган баҳо асосида аниқланади.

30.3. Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

30.4. Қиймати жамият мол-мулки қийматининг йигирма бешдан эллик фоизигачасини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки Жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш жамият Кузатув кенгашининг ваколатига киритилади. Бунда кузатув кенгашининг айби билан йирик битим тузилиши натижасида етказилган зарар учун жамиятнинг Кузатув кенгаши умумий йиғилиш олдида жавобгар бўлади.

30.5. Ушбу Низомнинг 30.1-30.4 моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда тузилган йирик битим Жамиятнинг ёки унинг иштирокчисининг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

XXXI. ХОДИМЛАР

31.1. Жамият маъмурияти ходимлар билан жамоа шартномасини (контрактини) имзолайди. Ушбу шартноманинг (контрактнинг) мазмуни, шу жумладан «Ходимларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низом», Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, мазкур устав, шунингдек жамият фаолиятининг хусусиятлари билан белгиланади.

XXXII. ЖАМИЯТНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

32.1. Жамиятнинг тижорат сирини — учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот бўлиб, ушбу ахборот жамият томонидан унинг махфийлигини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни кўради.

32.2. Тижорат сирининг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ходим:

- иш берувчи томонидан ўрнатилган тижорат сирини режимига риоя этиши;
- иш берувчининг розилигисиз тижорат сирини ошкор этмаслиги ва ундан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги;
- меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинганда ўз фойдаланишида бўлган, тижорат сирини акс этган моддий жисмларни иш берувчига топшириши ёки уни мазкур жисмлардан иш берувчининг назорати остида йўқ қилиб ёхуд ўчириб ташлаши шарт.

XXXIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

33.1. Таъсис шартномаси ва устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар иштирокчиларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, таъсис шартномаси ва уставга асосан ҳал қилинади.

33.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд орқали ҳал қилинади.

XXXIV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

34.1. Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлганда Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамиятнинг қузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг қузатув кенгашига ҳисобдордир.

34.2. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

34.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

XXXV. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

35.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-56 моддалари ҳамда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тугрисида»ги Қонуннинг 49-55 моддаларига асосан амалга оширилади.

XXXVI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

36.1. Ушбу Уставда акс эттирилмаган қонун ҳужжатларга зид бўлмаган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилади.

ИШТИРОКЧИЛАР:

1	Djurayev Nabidjan Naimovich	AB	4535823	25.07.2016	Toshkent shahar Shayhantoxur ТИБ	
2	Nurmatov Raxmatjan Raximdjanovich	AA	1245344	15.04.2013	Toshkent shahar Shayhantoxur ТИБ	
3	Nazirov Kamilxan Dadaxanovich	AA	3723979	23.12.2013	Toshkent shahar Uchtepa ТИБ	